O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 12 NOYABR
SESHANBA
№ 139 (26.998)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бир кунлик ташриф билан Туркманистонда бўлди. Ушбу сафар Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон қўшма комиссияси амалга оширган ишлар якунига бағишланди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири билан Туркманистон ҳукумати раҳбарлари ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. Музокараларда коммуникациялар ҳамда сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалалари муҳокама этилди. Учрашувлар якуни бўйича давлатлараро ҳужжатлар имзолангани йўқ.

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

## ҲАМКОРЛИК БОР ЖОЙДА МАСОФА ЯҚИН

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 6 ноябрь куни Оқсаройда Франция Ташқи ишлар вазирлигининг давлат котиби Рено Мюзельени қабул қилган соатларда Ўзбекистон дунё саҳнасида Франция билан муносабатларга муҳим аҳамият бераётганлигининг яна бир бор гувоҳи бўлдик. Айни пайтда Франция ҳам республикамиз билан бўлган ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларига ана шундай юксак эътибор билан қарамоқдаки, буни меҳмоннинг Оқсаройдаги учрашувда Юртбошимизга топширган Франция Президенти Жак Ширакнинг мактубидаги самимий ва дўстона сатрлар ҳароратидан ҳам яққол ҳис қилса бўлади: **«Сиз Жаноби Олийларига дўстлик ва бирдамлик мактубини йўллаш баробарида таъкидламоқчиманки, — дейилади мактубда. — Франция Сизнинг мамлакатингиз билан ҳуқуқий давлат барпо этишни ниҳоясига етказиш, замонавий бошқарув тизимини шакллантириш ҳамда республика иқтисодиётини дунё миқёсида рақобат қила оладиган даражада юксалтиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳамкорликни кучайтиришга тайёрдир»...**

Қаранг, республикамиз Президенти номига ва бутун Ўзбекистон халқига жаҳондаги йирик мамлакатлардан бирининг Олий мартабали раҳбари ўзи дил сўзларини нечоғли ҳурмат, эътибор, меҳр ва муҳаббат билан баён этолган. Йўқса, Ўзбекистон қайда-ю, Франция қайда?! Бу — астойдил меҳр, астойдил яқинликдан ёрқин нишона, кўнгил яқин экан, олис масофа нима бўпти..?

Қадимий бир ҳақиқатни эсланг: французлар Тамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан Франция қироли Карл VI нинг (XIV-XV асрларда) ёзишмаларида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар мавжудлиги баён этилганлигидан хабардордирсиз. Орадан неча асрлар ўтиб, ана шу қадимий алоқалар йўлининг янги кўприги — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1993 йил 27-30 октябрь кунлари Франция республикасига қилган давлат мақомидаги ташрифи бўлганлигини ҳам эсларсиз. Дарвоқе, бундан салкам ўн йил муқаддам, айни ўша тарихий ташрифдан бошлаб, Европа ва Осиёнинг мазкур икки йирик мамлакатлари орасида барча жабҳалар бўйлаб ўзаро манфаатли ҳамда тенг ҳуқуқли шериклик — ҳамкорликнинг кенг имкониятлари очилди.

***«Ўн йиллик самарали ҳамкорлигимиз,*** — деб ёзади Жак Ширак Жаноби Олийлари, — ***Франция учун ҳам, Европадаги бошқа ҳамкорлар учун ҳам Марказий Осиёдаги барқарорлик ва тараққиёт замирида ўз инъикосини топадиган стратегик манфаатларни амалга ошириш йўлида шериклик учун асос яратди.»*** Бу асосни бугун биз мамлакатларимиз ўртасида жадал ривожланаётган сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий, ҳарбий-техникавий ва парламентлараро алоқаларда, халқаро терроризмга, дунё хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган ҳар хил хуружларга қарши кураш саъй-ҳаракатлари бирдамлигида дангал кўриб турибмиз.

1993 йил икки томонлама имзоланган янги, Европа учун Париж Хартияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома — ўзаро қалин яқинликнинг бамисли такрор (Темурийлар давридан сўнг) қўйилган тамал тоши — пойдевори бўлганди. Эсингизда бўлса, Юртбошимиз ўшанда Париж Хартиясига имзо чекаётиб, ёш мустақил давлатимиз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига қўшилганлигини таъкидлаганди. Бу — бир неча юз миллион кишилик Евро-Осиё ҳудуди муаммолари келгусида биргаликда ҳал этилиши лозим, деган лўнда, содда мантиқнинг ўзгинаси эди.

...Ўтган ўн йил ичида турли хил соҳаларга оид имзоланган 20 га яқин икки томонлама шартнома, битим ва ҳужжатларнинг қай бирини эсламанг, уларнинг ҳаммаси замирида **«тотувлик, биродарлик, барқарорлик ва плюс(+) ҳамкорлик»** деган эллар ҳамда юртлараро ўзаро эъзоз ришталари ётганлигини кўрасиз. Чунончи, Франция Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги етакчи савдо-иқтисодий шерикларидан бири. Мамлакат Парламентининг юқори палатаси — Сенатда «Франция — Марказий Осиё» депутатлар гуруҳи ишлаб турибди. Қуйи палатаси — Миллий йиғинда эса «Франция — Ўзбекистон» депутатлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Маданий, илмий ва техникавий ҳамкорликка, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялашга, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини биргаликда бартараф этишга қаратилган қатор битимлар ижросининг ҳам салмоқли, самарали натижаларини бугун алоҳида қайд этиб ўтмоқ жоиз.

Гапнинг мухтасарини айтганда, Франция Президентининг ўз мактуби сўнггида: ***«Бугун олдимизда шу кунгача эришилган ютуқлардан фойдаланиш вазифаси турибди»*** деб айтган сўзлари ўзбекистонликлар билан францияликлар ҳамкорлиги тобора яқинроқ, тобора қадрдонроқ бўлиб бораётганидан хуш даракдир.

■ **Замон АЛИ**

## «ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!» фототанловига



<u>Баҳром ШОЁҚУБОВ:</u> — Миллий ҳунармандчилик асрлар давомида авлодлардан авлодларга етиб келаётган боқий қадриятдир. Инсоният ҳамиша табиийликка, гўзалликка ташна бўлиб қолаверади. Боболаримиз томонидан чизилган нақшлар минг йиллар қаъридан бизгача етиб келган. Мен давлатимизнинг миллий ҳунармандчиликка бўлган эътибори туфайли очилган С. Раҳимов туманидаги Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи талабаси бўлдим. Ушбу йўналишда ўтказилган кўрик-танловнинг шаҳар босқичида I-ўринни эгалладим.

<u>Зиёдилло ҲОШИМОВ:</u> — Мен коллежнинг ҳисобчилик бўлимида таълим олаяпман. Келажакда тарихчи бўлмоқчиман. Тарихдан ўтказилган олимпиаданинг шаҳар босқичида иккинчи ўринни эгалладим. Мозийнинг сирли кечмишлари узра боболаримиз қисмати мени ўйга толдиради. Ўтмишни чуқурроқ билишга интилаяпман.

<u>Гулнисо МАМЕТОВА:</u> — Коллежнинг тикувчилик гуруҳида таълим олаяпман. Мақсадим — моҳир чевар, модельер бўлиш. Тикувчи-чеварлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг шаҳар босқичида иккинчи ўринни эгалладим. Ўзбек аёллари эгнига атлас кўйлаклар, йигитларимизга куёвлик сарполари тикишни орзу қиламан.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**





ЎзХДП ХАБАРЛАРИ

## ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТУЗИЛМАЛАРИГА ЭЪТИБОР

2002 йил 11 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда **Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг ҳудудий партия тузилмалари фаолиятини йўлга қўйишга оид иш тажрибаси тўғрисида**ги масала етакчи ўрин эгаллади.

Муҳокама этилган масала бўйича қабул қилинган ҳужжатда қайд қилинишича, Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгаши Марказий Кенгаш II пленуми қарорларини бажара бориб, ҳудудий партия тузилмаларини вужудга келтириш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида, муайян ишларни амалга оширди. Шаҳар партия кенгашининг янги партиявий тузилмалар фаолияти доирасини аниқлаш ва устувор йўналишларини белгилаш, жойлардаги жамоат ташкилотлари ва депутатлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш соҳасидаги тажрибаси кенг ёйишга лойиқ.

Котибият ўз қарорида Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар партия кенгашининг ушбу тажрибасини маъқуллаб, Қорақалпоғистон республика, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларига ундан амалий ишларда фойдаланишни таклиф этди.

МК Котибияти, К. Аденауэр номли Фонднинг (Германия) Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси ташаббусига кўра, республикадаги барча сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнларини ривожлантириш масалаларига бағишланган Халқаро конференцияда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг иштироки масаласини ҳам муҳокама этиб, унга оид қарор қабул қилди.

Котибият йиғилишида, шунингдек, партия ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек, Бектемир, Чилонзор туманлари кенгашлари пленумлари бўлиб ўтди. Уларда туман ва бошланғич партия ташкилотлари ҳаёти, фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленумларда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Ғуломов қатнашди ва нутқ сўзлади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг 2002 йил 9 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари пленумида кўрилди. Урганч шаҳар партия кенгаши етакчиси бўлиб келган **Баҳодир Бобожонов Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят партия кенгашининг биринчи котиби** этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди, Хоразм вилояти ҳокимлиги котибиятининг раҳбари Комилжон Жуманиёзов иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

### ПРЕЗИДЕНТГА НИСБАТАН БЎҲТОН УЮШТИРГАНИ УЧУН

Зимбабве полицияси мамлакат ҳукумати ва президентига, унинг сиёсатига норозилик билдирган бир кишини қамоққа олди.

Гап шундаки, бу киши кўкрагига «Одамларга ўтказган жабр-зулми учун президент Роберт Мугабе худонинг қаҳрига учрасин. Худо унинг жазосини берсин» деган ёзувни осиб олиб, пойтахтнинг катта кўчасида юрган эди.

Бу воқелик Зимбабве президентига нисбатан бўҳтон, деб баҳоланди. Бундай туҳмат учун мамлакат қонунчилигига кўра бир йилгача қамоқ жазоси белгиланади.

Ҳукумат вакиллари ва полиция ҳозирча бу воқеани шарҳлашдан ўзларини тийиб туришибди, дейилади Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

### БРУНЕЙ ҲАМ ҚЎШИЛМОҚЧИ

Бруней АСЕАНнинг халқаро антитеррор бўйича битимига қўшилиш учун баёнот берди. Ва ушбу битимга шу йил охиригача имзо чекмоқчи.

Янги ҳудудий битимнинг ташаббускорлари Индонезия, Филиппин ва Малайзия мамлакатлари бўлиб, улар мазкур халқаро шартномани шу йил май ойида имзолашган эдилар. Ундан сўнг Камбоджа ва Таиланд ҳам улар ҳамкорлигига қўшилишди.

Янги шартнома разведка маълумотларини ўзаро айирбошлашни, шунингдек, ҳудудий террорчиларга қарши курашда ҳарбий ҳамкорликни ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда АСЕАН таркибидаги ўн давлатдан бештаси янги битим доирасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

### РЕКЛАМА ТАҚИҚЛАНДИ

Эронда Америка маҳсулотларининг рекламаси тақиқланди. Бу ҳақда мамлакат телевидениеси хабар тарқатди. Эрондаги ҳукуматга қарашли бўлмаган «Фаластинни ҳимоя қилиш жамияти»нинг ҳукуматга расмий мурожаати тақиқлов тўғрисида қарор қабул қилинишга сабаб бўлди. Бундан ташқари Эрон оммавий ахборот воситаларида Америка маҳсулотлари рекламаси ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги ҳам бундай қарор учун замин яратди. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, Associated Press ахборот агентлигининг хабар беришича, Эрон ва Америка ўртасидаги савдо алоқаларига бу тақиқлов таъсир этмайди.

### 9 КУНЛИК САФАРГА ЧИҚАДИ

БМТ Бош котиби Кофи Аннан шу ойда Европа давлатлари бўйлаб тўққиз кунлик сафарга чиқмоқчи. БМТ матбуот котиби Фред Экхарднинг айтишича, Бош котиб Босния, Хорватия ва Югославияда бўлади.

Ташриф «Болқон ҳудудидаги мамлакатларга сафар» шиори остида 17 ноябрдан бошланади. Сўнг 21 ноябрь куни Бош котиб Нидерландияга отланади ва ўз сафарини Францияга расмий ташриф билан якунлайди.



## ХУСУМАТ

**Кўролмасанг бировни сувига банд бергайсан,**
**Заҳар солиб ошига ёвига қанд бергайсан.**
**Кўролмасанг подшоҳни камситгайсан юртин ҳам,**
**Чавандозни кўролмай отига панд бергайсан!**

**Абдулла ОРИПОВ**
**2002 йил 21 октябрь**

АЖДОДЛАР МЕРОСИ



## ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ЎЗ ВАТАНИ, ЎЗ ЧИНОРЛАРИ БОР

**Ислом КАРИМОВ:**

**Муқаддас жойдагина аждодлар эккан дарахтлар ўсади ва муқаддас куч уларни асрлар оша асрайди.**

Шундайлар борки, кексаликка бўй эгмайди. Амаким — Мажид бобо Хидировда шундай хислат бор. Ғайрати танига сиғмай яшаб келаяпти. Урушдан қайтгач, укаларини бағрига олди: ҳам меҳнат қилиб, ҳам сиртдан институтда ўқиб, иқтисодчи касбини эгаллади. Узоқ йиллар хўжалик ва фуқаролар кенгашига раҳбарлик қилди. Раислик даврида жамоа иқтисодиётини кўтарди, қўшқаватли боғча, мактаб, кичик сув омбори қурилиши бошида турди.

...Саксондан ошганда ҳам тинмайди. «Мажид бобо» фермер хўжалигини тузган. Бир гектар мевазор боғи бор. Китоб, газета-журналларни бемалол ўқийди. Кам, аммо топиб гапиради.

— Юртбошимизнинг Венгрияга сафар қилганларини телевизордан кўрдим, — деганди у киши бир куни. — Бу мамлакатни мен немис босқинчиларидан озод қилишда қатнашганман. Дунай дарёсидан балиқ овлаб еганмиз. Дунё тинчлик ва аҳиллик билан обод. Э, айтмоқчи Шаҳрисабзнинг тўйи қачон ўтади..?

Қаранг, бобонинг нияти холис экан, ушалди. Шаҳрисабз тўйи тантаналарини ўз кўзи билан кўриш насиб этди. Йўқлаб борсам, ток новдаларини қирқаётган экан... Дастурхон атрофига ўтирдик.

(Давоми 3-бетда)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

**Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва давлат, инсон ва жамият муносабатларининг ишончли кафолати бўлиб турибди. Кўп йиллик фаолиятимизнинг йўриқномаси бўлган Конституциямизда бугунги реал воқелигимиз ҳам, эртанги кунимиз ҳам ўз ифодасини топган.**

**Ислом КАРИМОВ**

# ЎЗАРО МУЛОҚОТЛАР, ҲАЁТИЙ МИСОЛЛАР АСОСИДА



Тошкент давлат юридик институтини мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларига кадрлар етказиб берувчи сарчашма деб таърифлаш мумкин. Бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармойиши ижроси йўлида йил бўйи тарғибий-ташвиқий тадбирлар: семинарлар, конференциялар, кўргазмали ўқув соатлари ўтказиб келинмоқда. Айниқса, бу жараёнлар Қомусимизнинг 10 йиллиги олдидан янада қизғин тус олди.

Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари суҳбатларида Конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақидаги мулоҳазалар, улар ҳикоя қилаётган жонли воқеаларни, ҳаётий лавҳаларни мароқ билан тинглашингиз мумкин.

### ХАЛҚ ДЕНГИЗДИР...

***Фарҳод ТОҲИРОВ, юридик хизмат факультети декани, жиноий ҳуқуқ кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент:***

— Конституциянинг 2-моддасида: **Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади,** дейилган. Борди-ю, шўро давридагидек, давлат гегемонлик йўлига ўтиб олиб, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйса нима бўлади? — деб сўраб қолди бир талаба суҳбатлардан бирида.

Ҳийла тихирлик билан (гўё мени синаётгандек!) берилган савол матнидан сездимки, унга қисқа ва лўнда жавоб беришим керак.

— Мустақиллигимиз эълон қилиниши олдидан собиқ иттифоқда сиёсий вазият қандай эди? — сўрадим унинг ўзидан.

— Демократия ўйинлари, сиёсий шовқин-сурон, мафкуравий тўқнашувлар...

— Яшанг! Ўшанда Ўзбекистон билан Кремль ўртасидаги муносабатчи?

— Кескин... айниқса, Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг жорий қилиниши иттифоқ раҳбарларини ташвишга солди... ҳар хил иғволар, уйдирмалар...

— Офарин! Ўшандай кезларда Президентимиз халққа суянди. Одамлар билан юзма-юз туриб гаплашди. Фарғона, Бўка, Паркент воқеалари «манба»ларини бўяб, бузиб кўрсатувчи уйдирмаларни, ёлғон талқинларни рад этди. Оммавий-ахборот воситалари орқали халқни ҳар куни ҳақиқий аҳвол ва ҳақиқий вазиятдан бохабар бўлиб турилишини таъминлади. Одамлар аччиқ бўлса-да, рост гапга муҳтож эди. Уларга халқ иродасини ифодалаб, халқ манфаатига хизмат қила оладиган худди шундай сиёсат керак эди. Шу боис, халқ давлатимиз, ҳукуматимиз Йўлбошчиси Ислом Каримовни якдил қўллаб-қувватлади, у кишига эргашди... Тўғрими?

— Тўғри!

— Пировард натижани кўриб турибсиз, Мустақилликнинг 12 йиллиги сари қадам қўйдик. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, аҳолининг турмуш тарзида, сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий соҳаларда эришилган ўсишларни кўз олдингизга келтиринг... Назаримда, саволингизга жавобнинг ўзи чиқиб қолди: халқни деган — давлат, халқни деган — раҳбар ҳеч қачон ютқазмайди.

...Эсингизда бўлса, ўша кезлари Юртбошимиз нуфузли йиғилишларнинг бирида шоир Чўлпоннинг ўтли сатрларини ёлқинланиб ўқиб берувди:

**Халқ денгиздир,**
**халқ тўлқиндир,**
**халқ кучдир...**

### ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАРКАНСИЗ-У...

**Азиз ЧЎЛИЕВ,** ***давлат қурилиши ва бошқаруви кафедрасининг катта ўқитувчиси сўзидан:***

— Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. «Наҳанг» (номини қаранг!) хусусий фирмасини солиқчилар ёпиб кетишди. Фирма бошлиғи аввалиги роса тўполон қилди:

— Ёполмайсиз, ҳаққингиз йўқ. Фирма меники. Хусусий мулким. У дахлсиз. Давлат ҳимоясида. Мана, Конституцияда ёзиб қўйилган. (У Конституцияни очиб ўқий бошлади) **«53-модда: Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир»...** Арз қиламан, кўрсатиб қўяман...

Солиқчилар пинакларини бузишмади. Йил бошидан буён оз эмас, кўп эмас, бир миллион сўмдан зиёд солиқ тўламай келаётгани учун далолатнома туздилар ва эшик-тешикни муҳрлаб кетишди...

Кейин эшитсам, кўп ўтмай фирма бошлиғини прокуратура чақирибди. У ўша ерда ҳам олдинига осмондан келаверган экан, прокурор қўлига Конституцияни тутқазиб, 51-моддани ўқинг-чи, дебди.

Ўқибди: **«Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар»**

— ...

— Ҳуқуқингизни биларкансиз-у бурчингизни билмас экансиз-да, — дебди унга прокурор.

### КАФОАТ — ТЕНГЛИК ДЕГАНИ

***«Ҳуқуқ-3» факультети декани, юридик фанлари номзоди, доцент Одинахон ЗОКИРОВА ҳикояси:***

— Бир куни биринчи курс талабалари билан бўлган суҳбатимиз ёш келин-куёвларнинг оила қуриши масаласига бориб тақалди. Мўйловлари эндигина сабза ураётган йигитлар эмасми, қизиқиб, қизишиб кетишди. Улардан бири беихтиёр сўраб қолди:

— Конституциямизнинг 63-моддасида: **«Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади»** дейилган. Шу нуқтаи-назардан оила қуриш, келин тушириш, қиз чиқариш жараёнларининг қандай талаб ва тушунчалари бор?

— XII асрда Марғилонда туғилиб, Самарқандда бандаликни бажо келтирган буюк ватандошимиз Бурҳониддин Марғинонийни эшитганмисиз? — сўрадим ундан.

— «Ҳидоя»...

— Балли, билар экансиз. Ул зот «Ҳидоя фи фурулъ ал-фикҳ» асарида ҳозир сиз сўраётган талаб ва тушунчани «Кафоат» деб атаганлар. Бу атаманинг луғавий маъноси ҳам, ҳаётий мантиғи ҳам битта: Тенглик! Қонунларимиз тилида у эр-хотин орасидаги конституцион тенгликни ифодалайди... — дея тушунтира бошладим ва дафъатан сўрадим: — Кечирасиз, сиз ўзингиз уйланганмисиз?

— Йў-ўқ! — кулимсиради у.

— Аа-а, мана, энди менга равшан, нега қизиқиб қолганингиз... Никоҳда томонларнинг тенг ҳуқуқлиги дегани — аслида уларнинг бир-бирига муносиблигидир. Агар улар муносиб бўлмаса, бир-биридан кўнгли тўлмай ўтишади. Келин ҳам, куёв ҳам ижтимоий келиб чиқишда, дунёқарашда, фаҳм-фаросатда теппа-тенг (жилла бўлмаганда, яқинроқ) бўлишлари керак. Аксинча, оилада тинчлик бўлиши қийин-ов...

— У ҳолда келин куёви олдида «Мен сендан кам эмасман, тенгман ва ҳатто бироз баландроқман» деб ҳаволаниб кетмайдими! — қизишди у. — Хотин киши оилада бироз пастроқ бўлгани яхшимасми?

— Тўғри савол, — дедим унинг шаштини қайтармай. — Бурҳониддин Марғиноний тасниф этган китобда бу саволингизда ҳам жавоб бор. Қўлингизга тушса, албатта, ўқиб чиқинг. Ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал Саидовнинг саъй-ҳаракати билан унинг биринчи жилди нашрдан чиққан. Келин... насл-насабда, мол-мулкда, илму урфонда тенг бўлгани билан оилавий муносабатларда ўзини бироз пастроқ тутгани яхши, албатта. Шундай қилса кам бўлмайди. Ҳаётда, турмушда шундай бўлиши керак ўзи. Минг-минг йиллик тажрибалар буни исботлаган... Негаки, эр — оила бошлиғи. У — хонадон раҳбари. Хотини билан биргалашиб тортаётган (кўполроқ бўлсаям айтишади-ку, «эр-хотин қўш ҳўккиз» деб) омочнинг бош қўшчиси — эркак. Шу важдан бўлса керак, «рўзғорда аёл бўлса устун, эр кишидан кетар путур» дейдилар. Қолаверса, кўпни кўрган қуда-андаларнинг «тенгини топсанг, текин бер» деган нақлни тез-тез такрорлашларида ҳам сир бор, синоат бор...

Лекин яна бир гап бор: эр-хотин ўзаро ҳурмат ва иззатда теппа-тенг бўлиши керак. Оила, фарзанд тарбияси олдидаги бурчи ҳам, бир-биридан кам эмас.

Талабалар мени тўғри тушунишди. Жавобларимдан қаноат ҳосил қилганликларини шундоқ юзкўзларидан илғаб олдим. Ўзим ҳам завқланиб кетдим. Кейин бир-бирларидан бўлар-бўлмасга аразлашиб қолган қуда-андаларга атаб ёзган бир шеърий тўртлигим бор эди, ўқиб бердим.

**Айтинг, ким ҳам**
**хато қилмас ҳаётда,**
**Тўрт оёқ-ла қоқиларди**
**ҳаттоки отлар,**
**Ҳаммамиз ҳам**
**хом сут эмган бандалар,**
**Кечиримли бўлинг,**
**қуда-андалар...**

...Аудиторияда қарсаклар бўлиб кетди. Хуллас, Қомусимиздаги **никоҳнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигини кафоат** атамаси билан боғлаб, ана шундай тушунтириб бердим.

### РИСОЛАДАГИДЕК ЖАВОБ

***Жиноий жараёнлар процесси кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди, доцент Абдужаббор ҚУРБОНОВ хотирлайди:***

— Ўтган йили институтимизда кириш имтиҳонлари кетаётган пайтлар эди. Ҳаяжонда турган уч-тўрт нафар абитуриентни синов қилмоқчи бўлдим.

— Конституция кимларнинг сиймосида қабул қилинади? — сўрадим улардан бараварига.

— Олий Мажлис сессиясида... сессиянинг, — дудуқланди бири.

— Президент тасдиқлайди, — деди иккинчиси.

— Йўқ-ўқ..., — иккиланди учинчиси.

Ниҳоят тўртинчиси рисоладагидек жавоб берди.

— Конституция муқаддимасида **«Ўзбекистон халқи... ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади»** — деб ёзилган.

— Жавоб тўғри! — елкасига қоқиб қўйдим унинг. Ўша йигит ҳозир «аъло»га ўқияпти...

### ФАОЛ ТАШВИҚОТ

***Институт ўқув ишлари проректори, юридик фанлари номзоди, доцент Рустам ЗУФАРОВ изоҳи:***

— **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш бўйича** институтимиз факультетлари, курслари ва кафедраларида мавзуга оид тадбирлар ишлаб чиқилди. Семинарлар, конференциялар, суҳбатлар, ўқув-назарий анжуманлар ўтказиш йўлга қўйилди. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар мўлжалланди. Конституцияга шарҳлар, мақолалар ва маърузалар тўпламлари, илмий-назарий ўқув қўлланмалар, дарсликлар чоп этиш режалари белгилаб олинди.

Суҳбатлар ва конференцияларда нафақат профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳам фаол иштирок этмоқдалар. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» махсус ўқув курсларида ўқилаётган маърузалар ва ёзилаётган рефератлар танлови эълон қилинди. Ишлаб чиқарилган дастурга кўра ўқув-услубий, илмий-назарий ва юридик воситалар ёрдамида Асосий Қомусимизнинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ҳамда аҳамияти бўйича ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда...

Энг муҳими Конституцияни ўрганиш сабоқларини қуруқ лекция ёки маъруза ўқиш билан эмас, балки ўзаро мулоқотлар, ҳаётий мисоллар асосида олиб бораётганимиз самарали бўляпти, деб ўйлайман.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**махсус мухбири**




## ШАҲРИХОНДАГИ ОИЛАНИНГ ХЬЮСТОНЛИК ДЎСТЛАРИ

Шаҳрихон туманидаги оддий қишлоқ ўқитувчиси Орифжон Акбаров хонадонига АҚШнинг Техас штати, Хьюстон шаҳридаги эр-хотин Равленд ва Марса Элдерлар меҳмонга келишди.

Бир-биридан минглаб километр узоқликда яшовчи ўзбек ва Америка оиласининг дўстлашув тарихи қуйидагича: шаҳрихонлик инглиз тили ўқитувчиси Орифжон Акбаров «Андижон ривожланиш маркази» мутахассислари томонидан ташкил этилган танловда ғолиб чиққач, Америка Қўшма Штатларидаги ҳамкасбларининг турмуш тарзи, иши билан танишиш учун у ёққа борганди. У Хьюстонда Элдерлар хонадонида яшади. Орифжон Акбаров Ўзбекистонга қайтиш олдидан америкалик дўстларини ўз юртига таклиф этди.

Орифжон Акбаров узоқ йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган 33-лицей-интернат ўқитувчилари ва ўқувчилари, Шаҳрихон тумани жамоатчилиги АҚШлик меҳмонларни дастлаб ўқув муассасасида, сўнгра Акбаровлар хонадонида ўзбекона бағрикенглик билан кутиб олишди.

— Бундай меҳмондорчилик ва тантанани мен дунёнинг ҳеч қайси ерида учратмагандим, — деди оила бошлиғи Равленд Элдер **«Туркистон-пресс» мухбирига**. — Мутлақо нотаниш бўлган, биринчи бор кўриб турган инсонлар бизларни чин кўнгилдан меҳмон қилишди, халқ усталари ишлаган буюмларини совға сифатида топширишди, америкаликларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи ҳақида сўрашди.

Биз рафиқам билан Шаҳрихондаги Акбаровлар оиласи, уларнинг қариндош-уруғлари, дўстлари ва ҳамкасблари, ҳамюртлари тимсолида мамлакатимизни ҳурмат қилувчи, дўстлигимизни қадрловчи ҳақиқий дўстларни кўрдик.

**ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ**

# САРМОЯ, САЛОҲИЯТ, ЭКСПОРТ

## НАМАНГАНДАГИ «ASNAM TEXTILE» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАҚИДА

Бундан саккиз йиллар аввал «Наманганда «Ўзбекистон — Туркия» қўшма корхонаси қуриларкмиш», деган хушхабар тарқалди. Айниқса, Наманган шаҳридан шундоққина Уйчи туманига ўтиладиган жойда «Asnam textile» қўшма корхонаси бунёд этилаётганлиги одамларнинг қувончига қувонч қўшди. Ахир қанча-қанча қишлоқ йигит-қизлари ишли бўлди.

Акциядорлик жамияти шаклидаги «Asnam textile» қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг 1994 йил 2 майдаги қарорига биноан бунёд этилиб, 1995 йил 28 ноябрда ишга туширилди. Низом жамғармаси 6 миллион 996 минг 712 АҚШ долларидан иборат бўлиб, бунда ўзбекистонликлар ҳиссаси 2 миллион 934 минг 221,8 АҚШ доллари ёки Низом жамғармасининг 42 фоизини ташкил этарди. Ўзбекистонлик қатнашчиларнинг ҳиссаси эса қуйидагича тақсимланди: «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси — 1 миллион 311 минг 714 АҚШ доллари (18 фоиз), «Енгилсаноатинвестхомашё» акциядорлик жамияти — 1 миллион 622 минг 507,8 АҚШ доллари (23,2 фоиз). Туркиянинг «Astop» фирмаси қўшган ҳисса эса (4 миллион 062 минг 490,2 АҚШ доллари) 57,8 фоизни ташкил этиши мўлжалланди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, «Ўзлегимпекс» ташқи иқтисодий фирмаси ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Asnam textile» қўшма корхона ўртасида 1994 йил 11 июлда тузилган кредит шартномасига асосан Германиянинг КФВ тараққиёт ва ривожлантириш банкининг кредит линияси бўйича 34 миллион 340 минг 652 немис маркаси миқдорида узоқ муддатли кредит олинди. Бу кредит эвазига Германиянинг «Кемницер Шпиненраймашиненбау ГМБХ» фирмасида ишлаб чиқарилган калава ип тайёрлаш дастгоҳлари сотиб олинди.

Аввало шуни айтиш керакки, «Asnam textile» — «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси тизимидаги дастлабки корхона. Шу боис, асосан пахта толасидан калава ип тайёрлашга ихтисослашган корхона истиқлол йилларининг биринчи қалдирғочи сифатида довруғ таратди. Ҳолбуки, собиқ тузум даврида республикамизда миллион-миллион тонналаб «оқ олтин», той-той толалар темирйўл тармоқлари орқали вагонларга ортилган қуйи қаерга кетаётганлиги ва у нима фойда келтириши номаълум эди.

Мустақиллик шабадалари эсди-ю, мамлакатимизда барча соҳалар қатори енгил саноат тизимида ҳам ислоҳотлар дадил одимлагани мазкур корхона тимсолида намоён бўлди. Барча цехлар замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Корхона бош директори ўринбосари Одилжон Фазлиддинов билан цехларни айланаяпмиз. Одатдагидек, узлуксиз иш жараёни... Дастгоҳлар тинмай гувиллаб турибди.

— Мана бу, пахта титиш дастгоҳи, — таништирди Одилжон.

...Пахта тойи каттагина дастгоҳ ичига сўриляпти. Бу ерда тола чанги қоқиб тозаланади. Кейин ҳаво босими ёрдамида пахта қувурлар орқали кейинги дастгоҳга ўтади ва тола худди «савалаб» титилгандек тилади. Сўнгра у пилталаш машиналарига узатилади. Эҳ-ҳе, ҳали етарли ишлов олиш ва маҳсулот калавага айланиши учун пилталардан кейин яна қанча-қанча дастгоҳларга ўтиши керак...

Қўшни цехга ўтамиз. Айни шу тайёр ип мокиларга ўралиб, тайёр калавага айланади.

— Корхона қуввати қанча?

— Йиллик қувватини сўраяпсизми?

— Ҳа.

— Тўрт минг тоннадан зиёд, 550 нафар ишчи-хизматчи бор. Ҳаммаси ёш йигит-қизлар... Аксарияти касб сирларни шу ернинг ўзида эгаллашган.

— Маҳсулот сифати жаҳон стандартларига мосдир-а? Харидорлар кимлар?

— Саноатда рақобат кучайган шароитда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган корхона ҳолига вой! — давом этди ҳамроҳимиз бу гал руҳланиб кетгандек. — Омборларни тўлдириб қўйишдан нима фойда? Ваҳоланки, маҳсулотларимиз сифатли бўлгани боис унинг харидори ички бозоримизда ҳам сероб. Мамлакатимизнинг ип-газлама, йигирув-тўқув корхоналарининг деярли кўпчилиги бизнинг мижозлар.

Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисида айтган бир сўзини ён дафтаримга ёзиб олганман, мана:

*«Мен фақат барчамиз учун ўта муҳим бўлган бир ҳақиқатни чуқур тушуниб олишимизни истайман. Яъни, биз бугун ўз кучимиз, ўз меҳнатимиз билан амалга ошираётган ишларга, халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига ҳурмат билан қарамай туриб, аввало, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантирмай, унга кўмак бермасдан туриб, иқтисодий бақувват мамлакатлар қаторига кира олишимиз, одамларимизнинг фаровон ва муносиб даражада ҳаёт кечиришини таъминлашимиз жуда қийин бўлади».*

Биз ўз иш фаолиятимизнинг ҳамма жиҳатларини худди ана шу нуқтаи назардан ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз...

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш миқёслари кенгайиб, унинг салоҳияти ошиб бораётганлиги сабабларидан яна бири — ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат шароитлари яратиб берилаётганида. Иш аниқ маромли уч сменада ташкил этилган. Одамлар ишга корхонага қарашли транспорт воситаларида келиб-кетишади. Ойлик маошлар вақтида берилмоқда. Ҳар бири ўртача 45-50 минг сўмдан маош олишяпти.

Агар қўшма корхона ташкил этилган дастлабки 1995 йилда 626 тонна тола қабул қилиб, 132,7 тонна калава ишлаб чиқарган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич — 4167,3 тонна қайта ишланган толага ва тайёрланган 3216,3 тонна калавага етди. Бу йил эса йилнинг биринчи ярмидаёқ 2600 тонна пахта қайта ишланиб, 1568 тонна калава ип тайёрланди.

Қўшма корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам йилдан-йилга ошиб боряпти. Натижада кредит қарзларини ҳам сўндириб бориш имконияти пайдо бўлди. Айтайлик, 1996 йилда 420,8 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот чет элларга сотилган бўлса, ўтган 2001 йилда 525,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижий шерикларга етказиб берилди. 2002 йилда бу рақам янада залворли бўлиши кутилмоқда.

— Хорижий сармоялар ёрдамида бунёд этилган корхонамиз бугунги тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди, — суҳбатимизга якун ясади корхона бош директори Ҳабибулло Акпаров. — Айни кунларда олинган кредитларни қайтариш ҳаракатидамиз. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни хорижга сотиш миқдорини кўпайтиришда Америка Қўшма Штатларининг «Энтерприсес WNT» компанияси ва «Марказ-саноат бизнес» шўъба корхонаси катта ёрдам бераяпти. Бу йўлда туркиялик шерикларимиздан корхона бош раҳбари ўринбосари Яшар Тюзюк, «Астон» фирмаси президенти — Кузатув кенгаши раиси Али Норин, корхонамиз техника директори Кемалеттин Картал ва бошқалар ҳамда ўзимизнинг йигит-қизларимиз саъй-ҳаракатларини ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Ниятимиз, йиллик режамизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги арафасида барвақт уддалаш...

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбирлари**

## ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛДИЛАР

Навоий шаҳар ҳокимлигининг меҳнат биржаси аҳолини иш билан таъминлаш борасида самарали ишларни олиб бормоқда.

Чунончи, шу йилнинг 9 ойи давомида 226 нафар ёш иш сўраб мурожаат этган бўлса, шундан 197 нафари ишга жойлаштирилди. Бу кўрсаткич 87,2 фоизни ташкил этади.

Навоий тоғ металлургия комбинати — 85 нафар, «Навоийазот» — 14, «Қизилқум» — 15, «Электрохимия» заводи — 12, нон заводи — 13 нафар ёшни ишга қабул қилди. Шунингдек, «Навоийпочтаси», «Турон» ОТҲЖ, Навоий ГРЭСи ҳам иш сўраб мурожаат этган ёшларни ўз бағрига олиб, иш билан таъминлади.

— Ўтган 9 ой давомида Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда 3 марта меҳнат ярмаркасини ташкил этдик, — дейди Навоий шаҳар меҳнат биржаси бошлиғи Нормамат Усмонов.

Айни пайтда иш қидираётган ёшларни касбга тайёрлаш, уларда меҳнатга кўникма ҳосил қилиш, малакасини шакллантириш бўйича ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган.

Йил охиригача яна 130 нафар ёшни ишга жойлаштириш режалаштирилган.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

## ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Германиянинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган маъмурий ҳудудларидан бири Саксония федерал ўлкаси Ўзбекистон ва ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим мавқега эга.

Айни пайтда, «Ўзавтойўл» концерни ва Саксония иқтисодиёт ва меҳнат вазирлиги ўртасида тобора ривожланиб бораётган алоқалар ушбу муносабатларда муҳим ўрин тутади.

Концерн ва вазирлик ўртасида имзоланган баённома доирасида шу йили «Ўзавтойўл»нинг ўн беш кишидан иборат бир гуруҳ мутахассисларини Дрезден шаҳрида махсус курсларда ўқитиш ва Саксония корхоналарида амалиёт ўташлари тўғрисида келишиб олинган эди.

Ўзбек мутахассислари Дрезден Касбий таълим марказида бўлиб, ўқиш жараёнида автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаштириш, қуриш ва бошқа қатор мавзуларда маърузалар тинглашди. Уларнинг амалий машғулотлари эса Саксониянинг турли вазирлик ва идоралари, компания ва банкларида ўтди.

Ўқиш дастурини муваффақиятли битирган мутахассисларимизнинг барчасига Дрезден Касбий таълим марказининг шаҳодатномалари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, Саксония иқтисодиёт ва меҳнат вазирлиги ўзбекистонлик мутахассислар учун мазкур ўқув дастурларини 2003 йилда ҳам давом эттиришга қарор қилди.

■ **«Жаҳон» АА**

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

# ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ЎЗ ВАТАНИ, ЎЗ ЧИНОРЛАРИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Урушда вайрон шаҳарларни, пайхон боғларни кўрдим, — сўз бошлади нон ушатаркан. — Дунёнинг иши қизиқ, биров қурса, биров бузади. Аммо ёмонликнинг умри қисқа. Яхшидан боғ қолади. Дарахт сув билан, инсон эзгу иши билан барҳаёт... Мана, Шаҳрисабздаги катта қурилишларни кўрдик. Одам кексайганда, хотираларга боғланиб қоларкан. Мен укам Муроджон билан бирга Абдуллажон (севимли шоиримиз Абдулла Ориповни демоқчи. Ю.У.) уйимизга келган кунни эслайман. Ёшгина йигит эди ўшанда. Булбул ҳақидаги шеърини ўқувди...

Бугун эса ўзи элнинг фахри, булбули. У билан кўришдик, бахтомад тиладим... Фахрийларга ажратилган ўриндиққа ўтириб, Юртбошимизнинг сўзларини астойдил эшитдим. Кўп улуғ гапларни айтдилар. Кўксимни алланарса қиздирди. Билмадим, юрагимдаги ҳисларни сездиларми, қаршимда тўхтадилар. Қучоқ очиб кўришдик. Жоним омон қолиб, урушдан қайтган кунимда оғаларим билан кўришган каби бағримга босдим. «Халқимиз бахтига омон бўлинг, умрингиз чинордай бўлсин», деган тилак тилимдан эмас, нақ юрагимдан отилиб чиқди.

— Тантанада мен ҳам қатнашдим, ота, — гап бошладим секин. — У киши муқаддас қадамжолар, асрий чинорлар ҳақида гапирдилар. Сиздан шулар ҳақида сўрамоқчи эдим. Нега асрий чинорлар — муқаддас жойларда ўсади? Масалан, Китоб туманидаги Хўжаилмкони қишлоғидаги қадимий чинор ковагига 10-15 киши сиғади. Хўжаи спароз қишлоғида Шайх Шамсиддин ҳазратнинг қабри бор. Қирқинчи йилларда шу жойдаги 80 дан ортиқ тутларни Мавров деган киши кестириб, паровозга ўтин қилдирган. Айтишларича, арракашнинг юраги ёрилган. Мавров автомобиль ҳалокатига учраган экан. Кесилмай қолган битта тутнинг танасига саккиз-тўққиз одамнинг қулочи аранг етади...

— Туман ижроқўмида ишлаган одамни айтаяпсиз-да, — дейди ота ўйчанлик билан. — Эшитганман. Ёмонликнинг жазоси муқаррар. Мен сизга Сурхондарёнинг Бойсунида кўрган чинорим ҳақида айтмоқчи эдим. Танаси шунчалик катта эканки, бир вақтлар ковагида қизил аскарлар штаби жойлашган экан. Кейинчалик 15-20 бола учун синфхона бўлибди. Бу чинор ҳам ҳаёт боқийлигини эслатиб турган... Раҳбаримизнинг гапларида маъно гавҳарлари кўп бўлди. Ҳар бир авлод яхши ишларни умр мазмуни қилиб олиши учун бу гапларни ёшларга сизлар айтишларингиз керак эмасми?

— Бирор нарса ёзишни ўйлаб юрибман. Афсуски, нимадан бошлашни билмаяпман.

— Фикр тутқич бермаяптими? — синовчан тикилди ота. — Бир нақлни эшитганмисиз. Ё кўҳи баландга бор, ё шаҳри азимга...

Нима демоқчилар? Анча ўйладим. Тўсатдан хаёлим ёришди. Ахир, Юртбошимиз шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлар қатори Ҳазрати Баширнинг номини ҳам тилга олдилар-ку!

1994 йил «Ҳазрати Башир тарихи» номли китоб нашр этилди. Китобдаги «Руҳи қудсийлардан бири» мақоласида профессор Нажмиддин Комилов шундай ёзган: «Шайх бузрукворСайид Аҳмад Вали ўзлари умр давомида меҳнат билан машғул бўлиб, тоғда бир қанча йиллар ғорда яшаган пайтида, бодомзорлар бунёд этган, ариқ қазиб сув чиқартирган, барча муридлари ҳам меҳнат билан ҳалол яшаганлар».

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Табиатнинг посбони бўлган бу улуғ зот ҳақида кўп афсоналар мавжуд. Бироқ ҳақиқат нимада? Маълумотлар олиш учун Китоб тумани «Олтин мерос» жамғармаси раиси Аҳад Бердиевни излаб бордим. Аҳаджон асли Паландара хўжалигининг тоғ қишлоғидан. Эски илмдан хабардор, изланувчан. «Китоб тумани тарихи» номли тарихий-бадиий очерклар тўпламини китоб ҳолда чиқарди. Унда қадим Кеш, Китоб тарихи, ривоятлар бағрига яширин синоатлар ҳикоя қилинган.

— Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз айтган таъриф жуда зўр бўлди-да, — дейди Аҳаджон фахрланиб. — Қашқа воҳасининг зумрад гавҳари, дебдилар шаҳарни. Аслида ҳам табиий ўрни, жаҳон тарихи ва маданиятига қўшган ҳиссаси туфайли бу баҳога муносиб.

— Сизнинг муқаддас тимсоллар бўлган дарахтлар ва яна Ҳазрати Башир ҳақидаги фикрларингизни эшитмоқчийдим.

— Афсоналарга ишонмайсиз-да, — кулимсирайди Аҳаджон. — Билиб қўйинг, барча ҳақиқат уларнинг бағрида яширин. Ҳозирги Паландара хўжалигидаги Хўжа Неъмати деган жой ҳақида эшитганмисиз? Бир вақтлар сўлим қишлоқ бўлган. Одамлар Мўғул, Обираҳмат қишлоқларига кўчиб тушишган. Юксак тоғлар бағридаги қабристонда шайх Сайид Неъматилло ибни Абдулло ибни Абдураҳмон ҳазратларининг хилхонаси бор. У киши пайғамбаримизнинг йигирма биринчи авлоди ҳисобланади. Халаб шаҳрида туғилиб, Ироқда таълим олганлар. Шайх Амир Сайид Бараканинг укалари бўладилар... Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобида 202-бетда бу ҳақда хабар бор... Айтишларича, Амир Темур бобомиз Самарқандда давлатларини мустаҳкамлаганларидан кейин, шайхларнинг обрўсини кўролмайдиганлар топилган. Шунда ака-ука шайхлар шаҳардан чиқиб кетишган. Соҳибқирон бобомиз уларга Тахтиқорача довонида етиб олганлар. Ўзаро келишувга кўра, «Барака Самарқандда, Неъматилло Кешда бўлсин», деганлар. Шунинг учун ҳам халқ орасида «Самарқандда барака бор, Кешда неъмат кўп» деган нақл тарқалиб кетган. Улар Соҳибқирон томонидан мулк қилиб берилган Махон қишлоғида оламдан ўтишган. Шоҳруҳ Мирзо ота васиятига кўра, пири-муршидлар — Саид Бараканинг ҳокини Самарқандга, укаси Неъматилло Валининг ҳокини Кеш вилоятига кўчирган. Ана шу улуғ зот — Неъматилло Валининг дуоси билан кекса ота-онадан Сайид Аҳмад ҳазрат дунёга келган. Онасининг кўксидан сут келмагач, «Бешир», «Башир» аталиб кетган. Табиатни, дарахтларни асраб-авайлаш борасида ҳеч бир зот у кишига тенг келолмаган. Боринг, у кишининг хилхоналарини зиёрат қилинг, асрларга бўй бермай келаётган чинор, арча, писта дарахтларини кўринг....

Башир қишлоғига йўл олдим. У Китоб шаҳридан чамаси 25-30 километрлар нарида — тоғлар бағрида. Ўзи ҳам нақ тоғлар тасбеҳининг марварид донаси. Ҳозир «Варганза» боғдорчилик ширкатига қарайди. Варганзанинг ёши ҳам 700 йилдан ошади. Айтишларича, у ернинг машҳур анор кўчатларини ҳам Ҳазрат Башир келтирган экан.

Бу жойга илгари ҳам келганман. Қаровсиз эди. Фақат истиқлол туфайлигина шайх қабри обод бўлди. У кишини Мирзо Улуғбек ҳурмат қилган, аллома Али Кушчи қувғинда юрганида ҳузурига паноҳ топган. Умрининг охирида шайх арчадан ясалган ҳассасини улоқтириб, у бориб тушган жойни «қабрим шу жойда бўлсин» дея васият қилган экан. Ҳозир бу ерда олти асрни кўрган арчалар ўсиб ётибди. У киши эккан 200 дан ошиқ писталар ҳам ҳануз мева бераяпти.

Ҳазрат Баширнинг қабри жойлашган тепалик пастида булоқ қайнаяпти. Атроф дарахтзор, ўрмон. Айниқса, илдизлари уйдек кўтарилиб турган олти-етти асрлик азим чинорлардан ҳайрат туясиз. Уларнинг илдизи остида оқаётган Қорабулоқ энг қурғоқчилик йилларда ҳам бир дам тинмаган. Булоқ суви юқори тоғ бағридан келаётган лойқа сув билан қўшилиб, Кешуркдни (Қашқадарёнинг қадимги номи) ҳосил қилади. Соҳиллар кета-кетгунча чинорзор — ўрмон. Юзлаб, минглаб бу чинорларни Ҳазратнинг пок руҳлари асраб келмоқда — ҳеч ким ғорат қилишга ботина олмайди.

— Айни Башир қишлоғи атрофида кўчат етиштирамиз, — дейди Китоб ўрмон хўжалиги бошлиғи Бахтиёр Элбоев. — Денгиз сатҳидан 1400-1500 метр баландликдаги бу жойда ниҳоллар яхши ривожланади. Ҳозир 10 минг тупдан ошиқ чинор кўчатимиз бор.

— Айтинг-чи, нега шаҳарларда ўсаётган чинорлар бу қадимий чинорларга ўхшамайди? Тез синади, яра босгандай, танасига ғўдда тошиб кетади. Бирор сири борми?

— Сирини-ку билолмадик, — изоҳ беради у. — Лекин биз кўчатни қадимги чинорлар уруғидан етиштирамиз. Менимча, чинор шароит, ер танласа керак. Қолаверса, чинорлар сувга ўч бўлади. Илдизи сув тўплайди. Шунинг учун ҳам чинор бор жойда булоқ — чашма бўлади. Ҳеч бўлмаганда атрофдаги қудуқлардан сув тошиб чиқади. Ота-боболаримиз унинг хусусиятларини яхши билишган... Биз эса чинорларни муҳофаза қилишимиз лозим. Улар — тириклик тимсоли...

Хуллас, сафарим чоғида улкан ва асрий чинорлар нега муқаддас жойларда ўсади, деган саволларимга озми-кўпми жавоб олгандек бўлдим. Ниятим ҳам шу эди. Яқинда ўзининг қутлуғ тўйини ўтказган, Юртбошимиз афсонавий шаҳар деб таърифлаган, — Шаҳрисабзда фикрларим янада тиниқлашди. Ҳамроҳим — Шаҳрисабз туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Абдурашид Саидов билан Оқсарой қаршисидаги сўлим хиёбондамиз.

— Оқсарой ва Жаҳонгир мақбаралари қурилишига деярли бир вақтда киришилган, — дейди Абдурашид. — Улар атрофига чинорлар ҳам ўша даврларда экилган. Ҳозир бу асрий чинорлар ўндан ортиқ. Биттаси икки йил бурун ўз-ўзидан ёниб кетди. Ҳайрон бўлдик... Мана, бу чинор тагида бир тадбиркор музқаймоқ чиқарадиган ускуна ўрнатмоқчи бўлганда, одамлар қўйишмади. Яхшиямки, кеч бўлса-да, азиз нарсаларни асрашни энди англаяпмиз...

Дорус-саодат мажмуига келдик. Абадий саодатга эришганлар макони. Қадимий қабристон... Улуғ зот ўзи учун ер остида қурдирган сирли хилхона. Ҳеч қандай дабдаба йўқ. Қимматбаҳо тошлар ишлатилмаган. Оддий харсанглардан тикланган обида. Тош тобут ҳам шундай. Фақат муқаддас оятлар битилган. Соҳибқирон қалбининг мажруҳ парчаси — бевақт сўлган фарзанди — Жаҳонгир мақбараси... Ўзига хос тарих...

Ҳазрати имом масжиди мутаваллиси Ҳусниддин Муҳаммад ўғли тиловат қилади, дуога қўл очамиз... Масжид XX асрда қурилган. Устун ва эшиклари чинордан. Уларга «Амали усто Алимардон» деган сўзлар нақш қилинган. Дурадгорларнинг айтишларича, ёғоч учун мўлжалланган чинорлар одатда сув бўйларида, ғуж-ғуж ҳолда ўстирилган. Шунда таналари силлиқ ва кам шох бўлиб ўсган. Асосан эллик-олтмиш йиллик дарахтлардан фойдаланилган. Лекин, муқаддас жойлардаги кўп асрлик чинорларга тиғ урилмаган. Бу эзгулик авлоддан-авлодга даъват бўлиб ўтган.

Масжид ҳовлисидаги уч тўп чинор қаршисида тўхтаймиз. Не-не синоатлар ва табиат буҳронларига бардош берган улар. Дарахтларнинг уч (тепа) қисми синган, ён шохлар эса яна кўкка ўрлаб, улуғвор чайқалиб турибди. Шу жойда мармар тахталарга улар давлат муҳофазасига олингани ва Юртбошимизнинг мана бу сўзлари ёзиб қўйилган: **«Жаҳонгир Мирзо мақбараси ёнида бугун ҳам яшнаб турган қадимий чинорларни кўпчилигимиз кўрганмиз. Мен ҳар гал бу ерда бўлганимда бундай дарахтлар фақат муқаддас жойларда ўсади, деган фикр беихтиёр кўнглимдан ўтади. Балки бу чинорларнинг ниҳолини бир пайтлар Амир Темур бобомиз ўз қўли билан эккан бўлса, ажаб эмас, деб ўйлайман... Ва Шаҳрисабзнинг муқаддас тимсоллари бўлмиш бу азамат дарахтларни илоҳий бир куч асраб, бугунги ва келажак авлодларга етказиб келаётгандек туюлади».**

Муқаддас жойдаги битиклар ҳам муқаддас бўларкан. Аслида ҳам шундай. Бундай пайтда беихтиёр ўйга толасан: дунёда абадий ҳеч нарса йўқ. Сарой қурган, дарахт эккан аждодларимиз буни яхши билишган. Соҳибқирон бобомиз ҳам шу чинорларни экаётганда ўлимни эмас, ҳаёт боқийлигини ўйлаган бўлса, не тонг... Яхшидан боғ қолади. Ахир, Ватан ҳам жисми-жонимиз, юрак қонимиздан унган боғ эмасми!?

Умрибоқий дарахтлар заминнинг боқийлигини асрашга чорлайди. Ватан эса шу заминда барқарор. Ҳар бир халқнинг ўз Ватани, ўз Чинорлари бор. Ва улар абадиятга хизмат қилади.

**■ Юнус УЗОҚОВ,**
**Республикада хизмат кўрсатган журналист**





■ Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар

## КЕНИЯДА НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ САЙЛОВЛАР

Кениянинг марказий сайлов комиссияси тарқатган хабарларга кўра, мамлакат парламентига навбатдан ташқари умумий сайловлар шу йил 27 декабрда бўлиб ўтади.

24 йилдан бери мамлакатни бошқариб келаётган Президент Дэниэл Арап Мои парламент сайловларидан сўнггина ўз ваколатини топшириши мумкин.

Амалдаги парламент ўтган ҳафта тарқатиб юборилган эди.

## ЎЗГА ЮРТЛАРДА ЯШАМОҚДА

Аҳолишунослик бўйича БМТ экспертларининг берган маълумотларига кўра, бугунги кунда 175 миллион киши ўзи туғилиб ўсган ватанидан ташқарида, яъни ўзга юртларда ҳаёт кечирмоқда. Бу кўрсаткич сайёрамиз аҳолисининг 3 фоизини ташкил этар экан.

Яна шунга эътиборни қаратмоқчимизки, 1975 йилдаги кўрсаткичга қараганда «ватангадолар» икки бараварга кўпайган.

«Кўчманчи»ларнинг асосий қисми ривожланган мамлакатларда яшар экан. Яъни 56 миллион киши Европа давлатларида, 50 миллиони Осиё мамлакатларида, 41 миллиони эса Шимолий Америкада.

Дунё бўйича қочоқлар сони 2000 йилдан бери ўзгаргани йўқ — 16 миллион кишини ташкил этмоқда. 4 миллион қочоқ Африкада яшаса, 9 миллиони Осиё давлатларига тўғри келар экан.

СЕУЛ ШАҲРИ КЎРИНИШИ



ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# ТИНЧЛИККА МУҚОБИЛ ҚАРОР

Ўтган ҳафтанинг охирида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Ироқ бўйича янги резолюция қабул қилди. Бу Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг бир неча ой мобайнида олиб борган музокаралари, мулоқотлари, ўзаро ён босишлари асосида эришилган ҳамда шу пайтгача мавжуд бўлган турлича ёндашувларни уйғунлаштирган ва умумлаштирган, жаҳон ҳамжамияти учун маъқул ва мақбул қарор бўлди. Араб Давлатлари Лигаси йиғилишида уни тинчликка муқобил қарор деб аташди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан янги резолюциянинг қабул қилинишдан мамнуният изҳор этди ва уни минтақада катта уруш чиқишининг ҳамда оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишда муҳим қадам, деди.

Россия президенти Владимир Путин телеканалларга берган интервьюсида резолюцияни «компромисс ҳужжат» деди ва бу ҳужжат минтақада автоматик равишда ўз-ўзидан уруш бошланишига имкон бермаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Резолюция юзасидан АҚШ президенти Жорж Буш ҳам баёнот берди. Унинг фикрича, энди Ироқ ўзини-ўзи қуролсизлантириши зарур. Агар Ироқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорини бажармаса, биз уни қуролсизлантиришга мажбурмиз, деди Жорж Буш ўз баёнотида.

Ироқ ўзининг ядровий, биологик ва химиявий қуролларини ўзи йўқотсин, бўлмаса уни бунга биз мажбур қиламиз, деди Буюк Британия бош вазири Тони Блэр резолюция қабул қилинганидан кейин берган баёнотида.

«Евроньюс», «СИ-ЭН-ЭН», НТВ ва бошқа қатор телеканаллар ўз шарҳларида Ироқ бўйича қабул қилинган резолюцияга «бутун дунёга маъқул ҳужжат» деб таъриф беришди. Умуман, хориж оммавий ахборот воситаларида резолюция кенг шарҳланмоқда ва урушнинг олдини олиш йўлида қўйилган муҳим қадам деб баҳоланмоқда.

Хавфсизлик Кенгашининг янги резолюциясига кўра, БМТ комиссияси аъзолари Ироқдаги оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилаяпти ёки сақланаяпти деб гумон қилинаётган, шунингдек, ўзларида шубҳа туғдирадиган ҳар қандай объектга ҳеч қандай тўсиқларсиз кириб инспекция, яъни текшириш ўтказишга ҳақлидирлар. Шу билан бирга, уларнинг ядровий, биологик ва химиявий қуроллар ишлаб чиқаришга дахлдор мутахассислар билан суҳбатлашишларига ҳам ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди. Демак, энди БМТ комиссияси зиммасига жуда катта масъулият тушади. Бундан кейинги вазият ва воқеалар ривожи комиссия хулосасига боғлиқ.

Ҳозирча Ироқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорига расмий жавоб бергани йўқ. Ироқ ҳукумати бу қарорни маъқуллайдими, йўқми, аниқ жавоб шу йилнинг 15 ноябригача БМТга йўлланиши керак.

**■ Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

## ПЛАСТИК ЎҚ ЎРНИГА

Буюк Британия полицияси жамоат тартибсизликларини тўхтатишда ва антитеррор операцияларини ўтказишда қўлланиладиган пластик ўқ ўрнига calmatives деб номланувчи махсус газ воситасидан фойдаланиш масаласини муҳокама этмоқда.

Негаки, бир неча тартибсиз намойишларни тарқатиб юборишда Англия полицияси томонидан қўлланилган пластик ўқлар намойишчиларни оғир жароҳатлаган ва ҳатто уларни ҳалок ҳам этган эди. Шунинг учун Скотленд-Ярд илмий тадқиқотлар бўлими жамоат тартибсизлиги пайтида турли воситалар, жумладан, асабни тинчлантирувчи дорилардан фойдаланиш бўйича изланишлар олиб бормоқда. Олимларнинг айтишларича, газлардан ва бошқа воситалардан фойдаланиш одамлар орасида ўлим юз беришининг олдини олади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газдан фойдаланиш деганда яқинда Москвада гаровга олинганларни террорчилардан қутқариш пайтида ишлатилган газни назарда тутаётганимиз йўқ, дейишмоқда олимлар.

ПОЛЬШАНИНГ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ



## ДНК ТАҲЛИЛИНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Бугунги кунда Австралияда фаолият юритаётган, шотланд миллатига мансуб, лекин Буюк Британия фуқароси бўлмиш машҳур генетик Йэн Финдли тиббиётда, умуман илм-фан соҳасида оламшумул янгилик яратди. Янгилик шундан иборатки, ДНК таҳлилининг ўзига хос услубига кўра, эндиликда тана организми ҳақидаги барча «маълумотлар»ни биргина хужайра таҳлили орқали аниқласа бўлади.

Сиднейда бўлиб ўтган матбуот анжуманида олим таъкидлашича, мазкур янгилик сабабли амалдаги таҳлил технологияси эндиликда бир неча баробар юқори поғонага кўтарилади. Авваллари тана организми ҳақидаги маълумотларни бундай аниқликда кашф этиш учун 200 тадан 500 тагача хужайра керак бўларди. Янги усул эса бу борадаги ишларни жудаям тезлаштириб юборади. Яъни бир кеча-кундузда бир неча минг хужайрани таҳлил қилиш имконияти туғилади.

Финдлининг сўзларига қараганда, ушбу янгилик криминалистикада катта инқилоб ясайди. Шу билан бирга эски жиноятларни очишда ҳам ушбу усул асқотади. Масалан, бу борада тажрибалар ўтказилди, яъни 30 йил муқаддам ёзилган ҳужжатнинг қоғозида қолдирилган тери хужайраси ёрдамида керакли маълумотларга эга бўлинди.

1998 йили «Европа генетиги» номини олган доктор Финдлининг янгилиги яна тўрт-беш йилдан сўнг жиноятларни исботловчи, инкор этиб бўлмас ашёвий далил бўлиб хизмат қилади.

# XORIJDA

## СОЛИҚНИ ТЎЛАМАГАНИ УЧУН

Ўз вақтида машҳур бўлган немис теннисчиси Борис Беккер даромадни яширгани ва солиқ тўламагани учун Мюнхен суди томонидан шартли равишда 2 йилга ҳукм қилинди.

Аниқланишича, Уимблдон турнирининг уч карра чемпиони Борис Беккер 1991 йилдан 1993 йилгача тўланиши шарт бўлган 1 миллион 300 минг еврога тенг бўлган солиқни тўламаган экан. Беккерни айбловчилар унга 3,5 йил қамоқ жазоси тайинланишини талаб этишган. Бироқ теннисчи ўз айбини тан олиб, солиқни ихтиёрий тўлашга рози бўлди.

БОЛАЛАР СПОРТИ

# БУ ЕРДА ЧЕМПИОНЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ



Тошкентдаги Республика олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи мамлакатимиз спорт ҳаётида ўзига хос нуфузга эга. Мамлакатимиз терма жамоалари учун номзодлар тайёрлаб беришга ихтисослашган бу маскандан кўплаб номдор спортчилар етишиб чиққан. Ҳозирда бу ерда 700 нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим олмоқда.

— Бизда республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган ёшлар спортнинг 21 тури бўйича ўз маҳоратларини оширишади, — дейди директор ўринбосари Шоира Абдуллаева. — Уларнинг ўз маҳоратларини ошириб, етук спортчи бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Осиё, жаҳон чемпионатлари, халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорлари бўлаётган шогирдларимиз йил сайин кўпайиб бормоқда. Илгари бу ерда атиги спортнинг 7-8 тур бўйича бўлимлар бор эди. Мустақиллик йиллари улар қаторига кураш, белбоғли кураш, турон, улоқ-кўпкари сингари миллий спорт турлари қўшилди. Шунингдек, бокс, теннис, камондан ўқ отиш, бадиий гимнастика, стол тенниси каби бўлимлар очилди. Малакали мураббийлар ёшларга устозлик қилишмоқда.

— Кураш, улоқ-кўпкарига жуда қизиқаман, — дейди билим юртининг 8-синф ўқувчиси Элёр Мажидов. — Ўзим Сурхондарёнинг Денов туманиданман. Коллежда шу йил очилган от спорти бўлимига ўқишга кирдим. Биз томонларда тўйлар кураш ёки улоқсиз ўтмайди. Бу ерда устозим Улуғбек Мирсаидов менга чавандозлик сирларини ўргатяпти. Қишлоққа ҳар борганимда ўртоқларимнинг менга ҳаваси келиб қарашади. Қизиқиб менга саволлар беришади. Битта ниятим бор, келажакда от спорти бўйича чемпион бўлмоқчиман!

Бу ерда ўз маҳоратини ошираётган қайси талаба билан гаплашманг, ҳар бири чемпион бўлишни орзу қилаётганини айтади. Уларнинг ўз ниятларига етишлари учун коллежда барча шароитлар яратилмоқда. Янги ўқув йили бошида ўқув масканида ёзги ёшлар маркази иш бошлаганди. Куни кеча эса Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ва коллеж ҳамкорлигида миллий, эркин ва юнон-рум курашлари бўйича Республика Олимпия тайёрлов маркази фойдаланишга топширилди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масаладаги қарори ушбу билим юртида ҳам зўр қувонч билан қарши олинди.

— Бу Фармон ва қарор кўнглимизни тоғдек кўтарди, ғайратимизга ғайрат қўшди, — дейди спорт ишлари бўйича директор муовини Ў.Утенов. — Зиммамиздаги катта масъулиятни ҳам ҳис этаяпмиз. Ҳали коллежимизда қилинадиган ишлар кўп. Янги сув ҳавзаси, теннис кортлари, спорт майдончалари, ўқув корпуслари барпо этиш режаларимиз бор.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

✧✧✧

**Суратларда:** коллеж ҳаётидан лавҳалар.
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**



ФУТБОЛ

# АУТСАЙДЕРЛАР «ДУЭЛИ»

Яна уч турдан сўнг, олий лига жамоалари мамлакат XI миллий чемпионати баҳсларини якунлашади. Кеча эса «Сурхон» — «Қизилқум» жамоалари учрашуви билан 27-тур ўйинлари ниҳоясига етди.

Ушбу турнинг марказий учрашуви ҳисобланган «Нефтчи» — «Пахтакор» баҳси ҳар икки жамоа Осиё чемпионлари лигасида қатнашаётгани боис, 4 декабрга кўчирилди. Аммо бошқа учрашувлар ҳам аҳамияти жиҳатидан бу ўйиндан қолишмасди. Айниқса, «Сўғдиёна» — «Трактор», «Зарафшон» — «Машъал» жамоалари баҳслари мавсумнинг ҳақиқий «дуэли» тусини олди. Чунки, сўнгги турларда қўлга киритиладиган ҳар бир очко жадвалнинг қуйи поғоналарини банд этиб турган бу жамоалар учун ниҳоятда қимматли эди. Сафарда ўйнашига қарамай, «Трактор» футболчилари «Сўғдиёна»ни 3:2, «Машъал» эса «Зарафшон» жамоасини 2:1 ҳисобида ютди.

Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Бухоро» — «Самарқанд-Д» — 0:0, «Қўқон-1912» — «Навбаҳор» — 1:0, «Насаф» — «Андижон» — 2:0, «Дўстлик» — «Металлург» — 2:0, «Сурхон» — «Қизилқум» — 2:1.

***27-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ***

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Пахтакор** | **25** | **22** | **2** | **1** | **77-12** | **68** |
| **2. Нефтчи** | **27** | **19** | **3** | **5** | **68-29** | **60** |
| **3. Насаф** | **27** | **18** | **3** | **6** | **57-29** | **57** |
| 4. Қизилқум | 27 | 17 | 4 | 6 | 63-30 | 55 |
| 5. Металлург | 27 | 12 | 6 | 9 | 36-34 | 42 |
| 6. Навбаҳор | 27 | 12 | 4 | 11 | 45-35 | 40 |
| 7. Бухоро | 27 | 12 | 4 | 11 | 34-46 | 40 |
| 8. Дўстлик | 27 | 11 | 2 | 14 | 33-38 | 35 |
| 9. Самарқанд-Д | 27 | 9 | 4 | 14 | 24-39 | 31 |
| 10.Сурхон | 28 | 9 | 3 | 16 | 34-49 | 30 |
| 11.Андижон | 27 | 8 | 5 | 14 | 34-53 | 29 |
| 12. Қўқон-1912 | 27 | 8 | 2 | 17 | 25-54 | 26 |
| 13. Машъал | 26 | 7 | 5 | 14 | 30-51 | 26 |
| 14. Трактор | 27 | 7 | 5 | 15 | 32-56 | 26 |
| **15. Сўғдиёна** | **27** | **7** | **4** | **16** | **27-50** | **25** |
| **16. Зарафшон** | **27** | **7** | **4** | **16** | **34-48** | **25** |

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

# «РЕПОРТЁРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ»




Бўлғуси журналистларни қийнаётган битта муаммо — бу нозик соҳа сирларини она тилимизда ўргатувчи илмий, назарий китобларнинг камлигидир. Бу «бўшлиқ»ни имкон қадар тезроқ тўлдириш мақсадида назариётчи олимларимизнинг саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бераётир. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти Қудрат Эрназаровнинг умумий таҳрири остида тайёрланган «Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти» китоби бўлғуси журналистлар учун муносиб туҳфа бўлди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси Ахборот манбаи маркази томонидан чоп этилган ўқув қўлланмада репортёр ижоди технологиясига оид назарий қоидалар ҳамда амалий тавсиялар атрофлича ёритилган. Ахборот, янгиликлар тўплаш, нашрга тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш муҳим жараёндир. Бу журналистдан жуда улкан масъулият талаб қилади. Қайсики репортёр бу борада етарлича назарий билимга эга бўлса, амалиётда «қоқилмайди».

Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши, ахборот жараёнларининг глобаллашуви журналистика соҳасида муҳим жараёндир. Бугунги кунда ўзига хос тараққиёт ҳисобланган ушбу жараённинг соҳамизга бевосита таъсир этаётганлиги мазкур ўқув қўлланмада ўз аксини топган. «Интернет — ОАВнинг янги тури сифатида», «Ахборот хизматлари», «Оммавий алоқалар», «Оммавий аудитория репортёрдан нима кутади?», «Репортёрнинг мулоқот маҳорати» каби мавзулар илмий асосланган ҳолда тўпламда кенг ёритилган.

Ўқув қўлланма журналистика соҳасининг талаба-ўқитувчилари ва ходимлари учун мўлжалланган.

■ **Тўлқин ЭШБЕК,**
**Муҳаббат СОЛИЕВА**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi órinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir órinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir órinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tólepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Robiya XUDOYBERDIEVA

Gazeta «Ózbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon kochasi, 41-uy.

Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan róyxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ózbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

КЎРГАЗМА-САВДО

Энди ишлаб чиқарган маҳсулотни реклама қилишни ҳам ўрганиб боряпмиз. Ҳаётнинг ўзи бу мажбуриятни тақозо этиб турибди.

Бундан уч ойлар аввал буюм бозорларидаги тўкинчиликдан кўзларимиз қамашарди. Сифати ҳаминқадару, ранги тустовуқдай ўзига маҳлиё қиладиган сон-саноғи йўқ товарлар расталарга сиғмасди. Ҳукуматимиз қароридан кейин расталар сийраклашиб қолди. Нега? Биринчидан, хориж товарларининг кўпи юртимизга қинғир йўллар билан келтирилганди. Иккинчидан, сифати чатоқ бўлиб, сотувдаги кўп буюмлар «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ишлаб чиқарилганди. Қонун ҳаракатга келиб, айрим «тадбиркор-лар»нинг фаолиятига «соя» тушди.

Ҳукуматимиз, айни вақтда маҳаллий ҳокимиятлар ички истеъмол бозорини тўлдиришга алоҳида эътибор қарата бошлаганини ҳам халқимиз эътироф этмоқда. Расталар ўз маҳсулотларимиз билан тўлиб боряпти. Яқинда вилоят ҳокимлиги Намангандаги жаҳон бозорида халқ истеъмоли молларининг кўргазма-савдосини ташкил этди. Наманган шаҳри ва туманлардаги 500 дан ортиқ меҳнат жамоасининг 3000 турдан зиёд маҳсулотлари расталарга қўйилди.

Ўз маҳсулотларимизнинг бу каби кўргазмасидан кўз қувонади. Айрим ташкилотлар, ҳунармандлар яратган товарлар ҳатто, санъат асари даражасига кўтарилган. Хорижникидан қолишмайди. Электр қурилмалари корхонаси олдин юқори кучланишли линиялар учун темир таянчлар ишлаб чиқарадиган Марказий Осиёдаги ягона жамоа эди. Ҳозир корхона бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, кўплаб истеъмол товарлари ишлаб чиқармоқда. Тиббиёт учун асбоблар столи, кушетка, шкаф, аҳоли учун катта-кичик қошиқлар, газ тақсимлагич, темирдан томёпқич (черепица) каби ўнлаб буюмлар тайёрланмоқдаки, 180 кишилик жамоа ўз маҳсулотларини вилоятдан ташқари Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарёга ҳам сотишмоқда.

«Наманганмебель» акциядорлик жамияти шуҳрати узоқларга кетганди. Чунки корхона усталари яратган ноёб мебеллар хорижникидан қолишмасди. Бироқ кейинги пул олди-бердисидаги узилишлар оқибатида иш юритиш оғирлашди. Очиғи, республикамизда коллежлар қурилиши бошланиши билан корхона учун нажот йўли очилди. Мебель усталари янги коллежлар учун стол, стул, юмшоқ мебель жиҳозлари тўплами, янги дизайндаги эшик-деразалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

— Қисқа вақтда, — дейди биз билан суҳбатда жамият раисининг ўринбосари Комилжон Мирзаев, — 1 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажардик. 108 устамиз тўхтовсиз ишлаяпти. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Андижон вилоятларидан буюртмалар бор.

«Намангантекстиль» ҳиссадорларининг пишиқ, чиройли матолари, Чортоқ туманидаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти келтирган шифобахш ичимликлар, қўли гул Наманган ҳунармандларининг миллий-амалий санъат намуналари, «Нестле», «Янис», «Лидия» қўшма корхоналарининг маҳсулотлари, «Атлас» корхонасининг серҷило моллари харидорлар ўртасида қўлма-қўл бўлди.

Ҳар бир жамоа тадбиркор ва ишбилармонлар билан шу куни ўнлаб манфаатли шартномалар туздилар. Кўргазма-савдо шуни кўрсатдики, биринчидан, маҳаллий товарларимиз дизайни устида, хусусан ранг танлаш борасида ҳали кўп ишлашимиз лозим. Иккинчидан, бундай кўргазма-савдоларни тез-тез ташкил этиб туриш керак. Шунда маҳсулотларимиз кўрки ва харидоргирлиги бобида янада юқори натижаларга эришамиз.

# МАҲСУЛОТ СЕРОБ

## ФАҚАТ ТОВАРНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШДА НЎНОҚ ЭДИК. ЭНДИ...

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ДЎСТ ҲАҚИДА СЎЗ

Бойбўта Дўстқораев зукко адабиётшунос, журналист, мударрис ва мураббийлардан. У XIX аср охири, XX аср биринчи ярми ўзбек журналистикаси тарихининг кенг ва теран билимдони, шу даврлар адабиёти, маданий ҳаёти, мафкуравий курашларидан ҳам яхши хабардор олим, мутахассисдир. Бинобарин, бу даврлар бўйича мутахассис бўлиш осон иш эмас, бунинг учун энг камида учта фазилат даркор: биринчидан, асл манбани ўқиш учун эски ўзбек имлосини билиш; иккинчидан, қунт, ҳафсала, сабр, чидам; учинчидан, таҳлилий, тадқиқий ақл соҳиби бўлиш. Буларнинг бари ҳамкасбимизда тўлиқ мужассам.

У болалигидан тарихга ихлос қўйган. Бой тарихимизни эски ўзбек ёзувидан ўқиш, билиш мақсадида араб алифбосини ўрганди. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига киргач, эски ёзувни пухта ўзлаштирди. «Ўзбек-тожик адабий алоқаларига доир» деган мавзуда диплом иши ёзди. Ўшанда расмий оппонентлик қилган устози: «Қашқадарёнинг узоқ қишлоғидан ўқишга келиб, қунт-ҳафсала билан тожик тилини, эски ёзувни ўрганиб, шундай яхши бир иш ёзганининг ўзи таҳсин-мақтовга лойиқ», деган эди. Жиндак лофи билан айтганда, «Туркистон вилоятининг газети»дан бошлаб ўтган асрнинг ўнинчи, йигирманчи йилларида араб имлосида нақш этилган газета, журналлар ичида Б. Дўстқораев кўрмагани, ўқимагани йўқ деярли.

Бойбўта Дўстқораевнинг «Мухторият ғояси: шаклланиши, амалга ошиши ва ҳалокати» («Миллий тикланиш» газетасининг 1997 йил декабрь, 1998 йил март сонлари), «Жадидлар мафкураси» («Ватан саодати» тўплами, 1998 йил), «Жадидларнинг педагогик қарашлари» («Ўзбек педагогикаси антологияси», 2-жилд) ва бошқа мақола, тадқиқотлари янги далил, маълумотларга бойлиги, мароқлилиги, мантиқан асосланганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети билан Бостон шаҳридаги Нордстерн университети (АҚШ) олимлари илмий ҳамкорлиги самараси сифатида яратилган, ўзбек ва инглиз тилларида нашр этилиш арафасида турган «Оммавий ахборот воситаларига ёзиш» номли тўпламда унинг «Ўзбек журналистикаси тарихига доир» деган йирик тадқиқоти ўрин олган.



ЎзМУ филология факультетида Ғ. Каримов, А. Ғуломов, Т. Иброҳимов, С. Долимов, О.Шарафиддинов, Л. Қаюмов, У. Норматов каби таниқли устозлардан сабоқ олган, журналистика факультетида Т. Эрназаров, Ғ. Саломов, О. Тоғаев, А. Шомақсудов каби олимлар билан бирга ишлаб, кўп нарса ўрганган доцент Бойбўта Дўстқораев бугунги кунда қутлуғ олтмиш ёшида устоз мақомини олган. Олимнинг мударрислик, мураббийлик салоҳияти, хушмуомаласи ҳавас қилса, ибрат олса арзигуликдир.

Ўттиз уч йил бирга ишлаб, кузатиб, саноқсиз мулоқотлар қилиб унинг ҳеч кимга, айниқса, талабаларга қаттиқ гапирганини, дилини оғритганини эслай олмайман. Иқтидорли талабани дарҳол илғайди, йўл-йўриқ, маслаҳатлар беради, кишининг камчилигини ётиғи билан, малол келмайдиган қилиб, асослаб кўрсатади. Ҳа, ҳурмат-эътиборга зўрлик билан, мажбур қилиб эришиб бўлмайди, у йиллар давомида қозонилади, мисқоллаб йиғилиб боради.

■ **Сайди УМИРОВ, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири, республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали**

**2002 йил 22,29 ноябрь ҳамда 6,13 декабрь кунлари кимошди савдоларини ўтказади**

**САВДОГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:**

— Сирғали тумани ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Спутник даҳаси, 6-мавзе, 8-уйда жойлашган, майдони 441,83 кв.м. бўлган, собиқ 6-сонли тиш даволаш поликлиникасининг биноси. ***Бошланғич баҳоси — 5 590 800 сўм ёки 8 040 АҚШ доллари.***

— Сирғали тумани ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 213-уйда жойлашган, майдони 257 кв.м. бўлган, собиқ 11-сонли оилавий поликлиника шаҳобчаси биноси. ***Бошланғич баҳоси — 5 122 700 сўм ёки 7 367 АҚШ доллари.***

*2002 йил 15,22,29 ноябрь кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:*

— Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарбоза кўча, Аричний берк кўчаси, 17-уйда жойлашган 29-сонли болалар боғчаси. ***Бошланғич баҳоси — 16 850 500 сўм ёки 22 466 АҚШ доллари.***

— Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган ер участкасининг эгалик ҳуқуқи сотилади. ***Ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўмдан.***

***Савдоларда қатнашиш учун аризалар савдодан бир соат аввал, ер майдонларига эса уч кун олдин тўхтатилади. Савдолар соат 10.00 да бошланади.***

***Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16.***

**2002 йил 8 ноябрь куни ўтказилган кимошди савдоларида:**

— Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам тор кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,04 га бўлган 2 та ер участкаси ҳар бири 2 050 000 сўмдан ва 0,02 га бўлган 1 та ер участкаси 1 025 000 сўмга;

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси қошидаги йўл қурилиш ва таъмирлаш трестига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Хонобод» қўрғонида жойлашган Умумтехнологик ишлаб чиқариш бошқармасининг ёрдамчи хўжалиги — 32 000 000 сўмга сотилди.

Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган биржа савдоларида 22 та автотранспорт воситаси — 7 715 000 сўмга сотилди.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**

21 ноября 2002 года в 14.00 состоится внеочередное общее собрание акционеров

ОАО «ТАШКЕНТ-ГУРУЧ» **по адресу: г. Ташкент, улица, М.Ашрафи, 106 в актовом зале ОАО «Ташкент-гуруч».**

***ПОВЕСТКА ДНЯ:***

1. Увеличение уставного фонда ОАО «Ташкент-гуруч» с 48667 т.сум до 97334 т.сум путём увеличения номинальной стоимости акций с 1000 сум до 2000 сум.

2. Перераспределение чистой прибыли за 2001 год и направление доначисленных дивидендов за 2001 год на увеличение уставного фонда.

3. Уменьшение количественного состава Наблюдательного совета с 7 до 5 человек.

*Список Наблюдательного совета:*

1. Акилханов О.Б.
2. Алиев С.М.
3. Сафина Г.М.
4. Сотникова Н.Г.
5. Юлдашбаев С.А.

4. Внесение дополнений и изменений в Устав ОАО «Ташкент-гуруч»

5. Утверждение протоколов заседаний Наблюдательного совета за 2002 год.

Реестр акционеров закрыт по состоянию на 7 октября 2002 года. По материалам проведения собрания акционеров обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. М.Ашрафи, 106.

Регистрация участников общего собрания начинается в 13.30.

**НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ**